



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Гадоев Суҳроб Жумакулович**

*Термиз давлат университети доценти, PhD, Сурхондарё, Ўзбекистон,*  
[suhrob.gadoev.81@mail.ru](mailto:suhrob.gadoev.81@mail.ru)

### **Аннотация**

Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш уларнинг банклараро бозордаги рақобатбардошлигини сақлаш, мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажарилишига эришиш ва иқтисодиётдаги тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, ликвидлик, актив, ликвидли актив, мажбурият, капитал, кредит, қимматли қоғоз, захира, депозит.

### **Аннотация**

Обеспечение ликвидности коммерческих банков является обязательным условием поддержания их конкурентоспособности на межбанковском рынке, достижения выполнения обязательств перед клиентами и обеспечения бесперебойности платежей в экономике. Поэтому, обеспечение ликвидности коммерческих банков является одним из основных вопросов обеспечения стабильности банковской системы страны. В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с обеспечением ликвидности коммерческих банков Узбекистана и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, ликвидность, актив, ликвидный актив, обязательства, капитал, кредит, ценная бумага, резерв, депозит.

### **Abstract**

Ensuring liquidity of commercial banks is a prerequisite for maintaining their competitiveness in the interbank market, achieving fulfillment of obligations to customers and ensuring uninterrupted payments in the economy. Therefore, ensuring the liquidity of commercial banks is one of the main issues in ensuring the stability of the country's banking system.

The article identifies topical problems associated with ensuring the liquidity of commercial banks in Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

**Key words:** commercial bank, liquidity, asset, liquid asset, liabilities, capital, credit, security, reserve, deposit.

### **Кириш**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат

банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банкларининг кредит портфелини ва рискларини бошқаришни такомиллаштириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган [2].

Айни вақтда, республикаимиз тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш борасида ечимини топмаган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, банкларда трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги уларнинг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди. Бунинг устига, коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрига қадар тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича тўловларни тўхтатилганлиги банкларнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги улар фаолиятидаги кредит риски даражасини пасайтириш имконини бермаяпти.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мамлакат тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ж.Синкининг хулосасига кўра, узоқ муддатли эмас, қисқа муддатли активлар нисбатан паст кредит рискига эга бўлиб, қисқа муддатли активларнинг бозор қиймати фоиз ставкаларининг тебранишига паст даражада таъсирчан бўлади, шу тариқа ликвидли активлар юқори фоиз рискига дучор бўлмайдилар. Шунингдек, ушбу активлар бўйича даромадлилик эгри чизиғи нормал бўлган шароитда, қисқа муддатли ставкаларнинг узоқ муддатли ставкалардан паст бўлишини ҳисобга олиш лозим [3].

Ж.Синкининг ушбу хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан республикаимиз тижорат банклари активларининг катта қисмини узоқ муддатли активлар ташкил этади. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 89,7 фоизни ташкил этди [4]. Иккинчидан, 2017 йилдан бошлаб тижорат банклари таснифланган кредитлари таркибида шубҳали ва умидсиз кредитларнинг салмоғини ошиши кўзатишмоқда [5].

Т. Осипенконинг фикрига кўра, ликвидлилик рискининг назорат қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ликвидли позицияни холис ҳисоб-китоб қилиш;
- ҳар куни амалга ошириладиган таркибий балансли муносабатларни тасдиқланган методика ва жараёнлар асосида ҳисоб-китоб қилиш;
- олинган маълумотларни белгиланган лимитлар билан ва рискни қоплаш учун мўлжалланган капиталнинг етарлилик даражаси билан солиштириш [6].

Ю.Соколов ва А.Морянинг хулосасига кўра, халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлигини стресс-тестлашда қўйидаги мезонлардан кенг фойдаланилмоқда:

- омонатчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари моделларини ҳисобга олиш (кўпчилик ҳолларда омонатининг миқдори суғурта суммасидан катта бўлган мижозлар ваҳимага тушишади ва улар томонидан омонатларни қайтариб олиш эҳтимоли юқори бўлади);

– жорий ва карточка ҳисобрақамларидан маблағлар чиқимини алоҳида қамраб олиш;

– барча маҳсулотлар бўйича юридик шахсларнинг депозитлари чиқими;

– муддати яқинда тугайдиган омонатлар ичида одатдагидан кўпроқ депозитларни пролонгация қилмаслик эҳтимолининг ошиши [7].

Р.Беннет ва Ҳ.Унанинг фикрига кўра, кредит портфелида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи кичик бўлган, аммо кредит операцияларининг даромадлилиги паст бўлган банкларга жиддий эътибор қаратиш керак [8].

Ж. Барнхил ва Л.Шумахерлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқаришда активлар портфелларининг диверсификация даражасини назорат қилиш бирламчи ҳисобланади [9].

У.Диамонднинг фикрига кўра, тижорат банклари депозитларининг етарлилигини таъминлаш ликвидлилик рискинни бошқариш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади [10].

О.Йўлдошевнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда кредит рискинни бошқариш бўйича Базель қўмитасининг талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. «Базель II» нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади [11].

Ҳақиқатдан ҳам, Базель қўмитаси 2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш ва бошқаришга эътиборини кучайтирди. Хусусан, тижорат банкларининг ликвидлигини назорат қилиш бўйича иккита янги пруденциал талабни – ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентини тақриф қилди.

### **Тадқиқот методологияси**


Тижорат банклари ликвидлигини назорат қилиш бўйича ва аҳамиятлилик даражасини белгилашда илмий билишнинг фундаментал методологияси асосида шаклланган бўлиб, индукция ва дедукция, диалектик бирлик, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таққослаш ва ўхшашлик усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот давомида тизимли ёндошувни қўллаш орқали иқтисодий – статистик, тузилмавий – динамик таҳлил қилинган

### **Таҳлил ва натижалар**

Тараққий этган мамлакатларда Ҳукуматнинг қимматли қоғозларни йирик эмитенти бўлганлиги сабабли тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлашда мазкур қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар муҳим ўрин тутди. Чунки, тижорат банклари юқори ликвидли активлари таркибида Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар юқори салмоқни эгаллайди.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2016-2018 йилларда Парибас банкда юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг 19 фоиздан

кам бўлмаган даражаси таъминланган. Бу эса, нисбатан юқори салмоқ ҳисобланади. Аммо, 2019 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2018 йилга нисбатан кескин пасайган. Бироқ, 2020 йилда мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.



**1-расм. Парибас банк (Франция) ва Бэнк оф Америка (АҚШ) активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли активларнинг салмоғи, фоизда [12]**

Шунингдек, 2016-2018 йилларда ва 2018-2020 йилларда Бэнк оф Америка банкида юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ошиш тенденцияси кузатилган.

Эътироф этиш жоизки, Парибас банкнинг юқори ликвидли активларининг таркибида юқори салмоқни Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар эгаллайди. Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига нисбатан талаб ҳар доим фонд биржаларида мавжуд бўлганлиги сабабли уларни тезкор сотиш орқали банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақаида юзага келган пул маблағлари етишмовчилигига барҳам бериш мумкин.



**2-расм. АТ «Асакабанк»да ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти ва соф барқарор молиялаштириш меъёри, фоизда [13]**

2-расм маълумотларидан кўринадик, 2016 йил ва 2018 йилда АТ «Асакабанк» соф барқарор молиялаштириш меъёри бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъерий талабни бажара олмаган. Бу эса, мазкур даврда АТ «Асакабанк»да узоқ муддатли мажбуриятларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан сезиларли даражада кам эканлиги билан изоҳланади.

1-жадвал

**АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»да активлар ва мажбуриятларнинг муддатига кўра таркиби [14]**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2020 й.</b>
<i>Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган активлар, трлн. сўм</i>	4,9	7,5	13,2	23,7	29,0
<i>Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар, трлн. сўм</i>	5,6	6,7	16,9	19,0	23,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида жиддий номуносиблик мавжуд бўлиб, трансформация rischi банкда чуқурлашиб кетганлигидан далолат беради. Бу эса, унинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Рискка тортилган активлар суммасининг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлиши тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради Ўз навбатида, рискка тортилган активларнинг юқори ўсиш суръатлари кредитлар ва корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари ҳисобидан таъминланади.

Кредитларнинг риск даражаси жуда юқоридир. Республикамиз банк амалиётида тижорат банкларига берилган кредитларнинг риск даражаси 100 фоизни ташкил этади, фақат ипотека кредитларига 50% риск даражаси берилган.

Базель стандарти бўйича тижорат банклари томонидан сотиб олинган корпоратив қимматли қоғозларнинг риск даражаси 100 фоизни ташкил этади. Бунда банкларнинг Ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг риск даражаси 20% қилиб белгиланган.

2016-2020 йилларда АТ «Асакабанк»да брутто активлар ва рискка тортилган активлар суммасининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, банкнинг фаолиятини тобора кенгайтиб бораётганлиги билан белгиланади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, 2016-2017 йилларда АТ «Туронбанк»да жорий ликвидлилик коэффициенти даражасининг ўсиши кузатилган. Бу эса, банкнинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, 2018 йилда жорий ликвидлилик коэффициентининг даражаси 2017 йилга нисбатан пасайган.

Тижорат банкларида жорий ликвидлилик коэффициентининг пасайиши, одатда, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- ликвидли активларнинг ўсиш суръатини талаб қилиб олинган депозитларнинг ўсиш суръатидан паст бўлиши;
- яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбуриятлар миқдорини яқин 30 кун ичида қайтариладиган активларнинг миқдоридан кўп бўлиши.

АТ «Асакабанк»да 2016, 2019 ва 2020 йилларда рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса, АТ


«Асакабанк»нинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатини таъминлашда кредитларнинг ўсиш суръати муҳим тутади. Бу эса, биринчидан кредитларни республикамиз тижорат банклари активларининг ҳажмида энг юқори салмоқни эгаллаши билан; иккинчидан кредитларни 100% риск даражасига эга бўлган актив эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли, кредитларнинг ўсиш суръати билан регулятив капиталнинг ўсиш суръати ўртасида мутаносиблик бўлиши керак.

Таъктжлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банкларида соф фоизли маржанинг даражаси паст бўлгани ҳолда, депозит базанинг етарлиги таъминланмаган. Масалан, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, 3,3 фоизни ташкил этгани ҳолда (меъёрий даража-4,5%), талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60,5 фоизни (меъёрий даража – 30%) ташкил этди [15].

Талаб қилиб олинadиган депозитлар беқарор пассив бўлганлиги сабабли тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатаен кучли босимни юзага келтиради.

Талаб қилиб олинadиган депозитлар беқарор пассив бўлганлиги сабабли уларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлиши тижорат банкининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Саноатқурилишбанкда талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига [16]**

3-расм маълумотларидан кўринадики, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банкида ва Саноатқурилишбанкда талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи жуда юқори бўлган (меъёрий даражага нисбатан 2 баробар юқори). Бу эса, мазкур банкларнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг ликвидлиги, асосан, Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади.



Тижорат банкларининг активлари ва мажбуриятларини муддатлари ўртасида мутаносибликни мавжуд эмаслиги, активларнинг ризкка тортилган суммасининг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори эканлиги республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Таҳлил қилинган давр мобайнида АТ «Асакабанк» томонидан соф барқарор молиялаштириш меъёри бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрий талабни бажарилмаганлиги АТ «Асакабанк»да узоқ муддатли мажбуриятларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан сезиларли даражада кам эканлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, банклар кредит портфелининг сифат кўрсаткичларининг меъёрий даражаларига эришиш, трансакцион депозитларнинг камаймайдиган қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш йўли билан тижорат банкларининг жорий ликвидлик даражасини ошириш лозим.

Халқаро банк амалиётида муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси сифатида уларнинг банк кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмайдиган даражаси қабул қилинган. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси сифатида эса, уларнинг банк кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмайдиган даражаси қабул қилинган. Шунингдек, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг юқори меъёрий даражаси сифатида уларнинг тижорат банклари активларининг ўртача суммасига нисбатан 1,0 фоизлик даражаси қабул қилинган [17].

2. Тижорат банклари трансакцион депозитларининг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини камайтириш, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш ва даромад келтирадиган юқори ликвидли активларнинг ликвидли активлар ҳажмидаги салмоғини ошириш йўли билан банклар активларининг ликвидлилиги ва даромадлиги ўртасидаги мутаносиблик даражасини ошириш керак.

Республикамиз тижорат банкларида талаб қилиб олинмайдиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги, ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи кичик бўлган шароитда, банкларнинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, талаб қилиб олинмайдиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш банкларда фоизли маржани қисқартиришни, муддатли ва жамғарма депозитларга тўланадиган фоизларнинг ставкаларини барқарорлигини таъминлашни тақозо этади.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида соф фоизли маржа кўрсаткичининг нисбатан паст эканлиги кузатилмоқда. Бу эса, соф фоизли даромаднинг тижорат банклари активларига нисбатан даражасининг паст эканлиги билан изоҳланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – Б. 32.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 659 – 659.
4. Статистика. Тижорат банкларининг жамланма баланси. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
5. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б. ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 17.
6. Осипенко Т.В. Построение комплексной системы управления банковскими рисками //Деньги и кредит. – 2004. – №3. – С. 33.
7. Соколов Ю.А., Моря А.О. Лояльность клиентов как фактор риска//Риск-менеджмент в кредитной организации. 2014. №1. – С. 73–84.; Stress Testing of Financial Systems: An Overview of Issues, Methodologies, and FSAP Experience / W. Blaschke, M. T. Jones, G. Majnoni, S. M. Peria//IMF Working Paper. 2001. June. – P. 27–31.
8. Bennet R., Una H. The Effects of Resolution Methods and Industry Stress on the Loss on Assets from bank Failures//Journal of Financial Stability. – Vol 15, 2014. – PP. 18-31.
9. Barnhill Jr. T., Schumacher L. Correlated Systemic Liquidity and Solvency Risks in a Financial Environment with Incomplete Information. International Monetary Fund Modeling. 2011 –P. 73-79.
10. Diamond D. W. et al. Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity/ D. W. Diamond, P.H. Dybvig //The Journal of Political Economy/Volume 9. Number 3. June 1983. P. 401-419.
11. Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 15 б.
12. BNP Paribas. Annual Reports. [www.paribas.com](http://www.paribas.com); Bank of America. Annual Reports. <http://www.bankofamerica.com>.
13. АТ «Асакабанк». Йиллик ҳисоботлар. [www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz)
14. АТ «Ўзсаноатқурилишбанк». Йиллик ҳисоботлар. [www.uspsb.uz](http://www.uspsb.uz).
15. ТИФ Миллий банки. Йиллик ҳисоботлар. [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz).
16. Расм муаллиф томонидан [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz). ва [www.uspsb.uz](http://www.uspsb.uz). сайтлари маълумотлари асосида тузилган.
17. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 16-17.